

**Назарова Гулбахор Пирмановна**

*Инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси  
Бухоро давлат университети*

**Умурова Хушвақт Ҳакимовна**

*Инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси  
Бухоро давлат университети*

## ИНГЛИЗ УЙҒОНИШ ДАВРИ ПАСТОРАЛ ШЕЪРИЯТИ ПОЭЗИЯ «ПАСТУРЕЛЛА» ПЕРИОДА ВОЗРОЖДЕНИЯ В АНГЛИЙСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ «PASTORAL» POEMS IN ENGLISH LITERATURE OF THE RENAISSANCE PERIOD

**Аннотация.** Мақолада инглиз уйғониш даври «пасторал» шеърларининг мавзу мундарижаси ҳамда унинг жаҳон адабиёти намояндлари ижодига акс этиши ҳақида сўз юритилган.

**Таянч сўзлар:** уйғониш даври, пастораллар, эклоглар, элегия, табиат, мунгли қўшиқ, чўпон қўшиғи, мадҳия.

**Аннотация.** В статье рассматриваются поэзии «пастурелла» периода Возрождения в Английской литературе и отображение этой тематики в творчестве поэтов мировой литературы.

**Ключевые слова:** ренессанс, пастурелла, эклог, элегия, природа, грустная песня, песня пастуха, хвалебная песня.

**Annotation** The article discusses «pastoral» poems in English literature of the Renaissance period and reflection of this theme in the poetry of poets of the world literature.

**Key words:** renaissance, pastorals, eclogues, elegy, nature, sad songs, shepherd's song, song of praise.

Пастораллар адабиётда шеърий жанр бўлиб, қишлоқ ҳаётининг табиийлиги ва беғуборлигини шаҳар ҳамда саройдаги ахлоқсизлик, сохта ҳаётнинг акси сифатида тасвирлашди. Пастораллар чўпон ёки қишлоқлик киши нуктаи назаридан ёзилган бўлишига қарамай, улар ҳар доим илғор фикрли шаҳарлик шоирлар қаламига мансуб бўлган. Пасторалларнинг асосий мавзуй мундарижаси табиат ва санъат, реаллик ва идеаллик, ҳақиқийлик ва афсона ўртасидаги зиддиятлардан иборат. Инглиз пастораллари анъанавий бўлишига қарамай, унда ўша давр инглиз адабиёти, яъни, уйғониш даври шеърияти элементларидан инсонпарварлик, танतिकлик, хушомадгўйлик, ҳақиқий ҳаёт қайғуси сатира ва ҳажв ёрдамида акс эттирилганлигини қузатиш мумкин. Пасторалларнинг асосий мавзуй таркибини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: ишқ, ўлим, сиёсатни масҳара қилувчи ва қишлоқ ҳаётини таърифлаш мазмунидаги шеърлар. Чўпонлар муҳаббат қўшиғини куйлаш билан бирга бу дунёни тарқ этган қишлоқдоши хотирасига бағишловлар яратган.

Пасторализм инглиз адабиётида ўн олтинчи асрнинг ўрталаридан ўн еттинчи асрнинг ўрталаригача муҳим рол ўйнади. Инглиз пастораллари Италия ва Испания мумтоз адабий намуналарига тақдидан яратилиши билан бирга, қадимги пастораллар, яъни, халқ оғзаки ижодидаги худоларни шарафловчи маросимларда куйланадиган қўшиқлардан ҳам нусха олинган. Дастлабки пасторал намуналардан бири *Идилс* бўлиб, Теокритус томонидан эрамизнинг учинчи асрида ёзилган. Теокритуснинг пасторал шеърий намуналари кейинчалик яратилган пастораллар элементларини, яъни, қишлоқ ҳаётининг роҳатбахшлигини тасвирлаш, экспромт қўшиқлар мусобақасида қатнашиш, эртаклар, суюкли кишисидан ажралиб, қайғуриш ва ўлганларни ёд этиш қабиларни ўз ичига олган. Унинг пасторалларида асосий қахрамон Дафнис ва Амарилислар ҳисобланган.

Эрамизнинг биринчи асрига келиб Рим шоири Виржил ўзининг *Эклоглар* асарида пасторал усулни қўллаб, ўзининг шеъриятида афсонавий ва сиёсий нуктаи назарни киритди ҳамда реаллик ва идеаллик ўртасидаги

зидиятни тортинчоклик билан кишлок урф-одатларини тасвирлаш услубини киритди. Ўрта асрлар давомида жуда кам пастораллар ёзилди, аммо унинг шакли Италиян уйғониш даври гуманистлари Петрарка, Боккачио ижодида муҳим рол ўйнади. Илк драма услубида яратилган пастораллардан Политианнинг *Орфео* драмаси 1471 йилда Мантуа саройида сахнага қўйилди. Бундан ташқари, Торкуато Тассонинг *Aminta* (1573) ва Жиованни Жуаринининг *Pastor Fido* (1590) драмалари илк пасторал намуналардир. Ўн олтинчи асрда Италияда яратилган пастораллардан Жакопо Санназаронинг *Arcadia* (1504) асари ҳисобланади. Пастораллар Португалиялик шоирлар Жил Виченти ва испан шоири Хуан дел Энкина, Мигел де Сервантес Сааведра ва бошқалар шеърлятида гуллаб яшнади.

Инглиз шоирлари Александр Барклей ва Барнейб Гюг ўн олтинчи асрнинг биринчи ўн йиллигида ижод этган шоирлар бўлиб, лотин эклоглари шаклидан фойдаланганлар. Ҳақиқий пасторал намуналардан биринчи бўлиб «Чўпон Таквими» (*The Shepherdes Calender*) инглиз шоири Эдмунд Спенсер томонидан яратилган. Спенсер ўзининг пасторалларида Теокритус, Виржил, Мантуан ва Санназаро услубларини қўллаб, йилнинг ҳар бир ойига атаб ўн икки эклогни яратди. Бунда шоир ўз даврининг сиёсий ва диний шахсларини, мулозаматлар дунёсининг сохталигини мохирона тасвирлаб, масхара қилди. Шеърда реал ҳаракатлар ёки воқеалар ривожини кучли бўлмасида, Спенсернинг асосий қахрамонлари, яъни, чўпонлари турли хил мавзуларни мушоҳада этиши орқали ва ранго-ранг шеърини шакллардан ҳисобланган ишқий шикоятлар, масаллар, куй орқали музокаралар, дафн маросимида куйланадиган мунгли қўшиқлар, худога аталган мадхиялардан фойдаланганлиги шеърнинг қизиқарлилигини сақлаб қолган. Бундан ташқари Спенсер ўзининг «Чўпон Таквими» пасторалида анъанавий услубга янгилик сифатида турлича шеърини вази ва сиёсий масалаларни тасвирлашда аллегориядан фойдаланди. Спенсернинг бошқа пасторал намуналаридан «Колин Клаутс Яна Уйга Қайтади» (*Colin Clouts Come Home Againe*, 1595), шеърини асари бўлиб, унда шоир Лондонга саёҳати ва сарой ҳаётини аллегория усулида тасвирлайди. 1596 йилда эса ўзининг тугатилмаган шоҳ асари «Афсонавий Қиролича» (*The Faerie Queene*)ни яратди.

Пастораллар яратишда яна бир таниқли инглиз шоирлари Сидней ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Унинг «Аркадия» (*Arcadia*) асари аралаш усулдаги романтик шеърлардан ташкил топган бўлиб, унда шоир пастораллар орқали мулозаматлар дунёсини ва ишқий муносабатларни нутқини безаган ҳолда тасвирлайди. Унда икки шахзода Аркадияга ўз муҳаббатларини топиш дардида йўлга отланишади ва икки маликани

учратиб, уларни севиб, турмуш қуришади. Йўл бўйлаб эса, бу икки шахзода чўпонлардек кийинишади ва қўп вақтларини шу никоб остида ўтказишади. Бу шеърини тўпламдаги асосий мавзу ҳаётини муҳим воқеалар ва маъсулият қаршисида ишқ ва ҳаёл, яъни, анъанавий пасторал мотивдир. Яна маълум мавзулардан бири афсонавий «олтин аср» тушунчаси ҳам бу шеърини асарда ўз аксини топган. Бошқа уйғониш даври пастораллари билан бирга, «Аркадия»да ҳам илғор фикрлар, кишлокона, оддий характерда, шу тахлитда, мураккаб фикрларни содалаштирган ва инсон табиатини умумбашарийлигини таъкидлаган ҳолда илғари сурилди.

Ренессанс даврида пасторал яратган шоирлар асосан лирик шоирлар ва драматурглар бўлган. Шулардан энг машҳур лирик шоирлар Уолтер Ралей, Кристофер Марлоу, Уильям Броун, Ричард Барнфилд, Жорж Визер ва Майкл Драйтонлар бўлиб, улар ўз шеърларида Спенсер яратган эклоглардан нусха олишган.

Пастораллар мавзуси Элизабет даври драмаларида ҳам машҳур бўлган. Улар асосан актёрлар никоб кийган ҳолда мусиқа ва рақслардан ташкил топган драматик кўринишлар сифатида бўлган. Масалан, Сиднейнинг «Май хоними» (*Lady of May*) пьесаси, Шекспирнинг «Сен истаганингдек» (*As You Like It*), «Қиш эртаги» (*The Winter's Tale*) пьесаси шулар жумласидандир. Бен Жонсоннинг «Мунгли Чўпон» (*Sad Shepherd*) шеърини тижорат ва кашфиётлар асридаги моддий ҳаёт билан шаҳар чеккасидаги жаннатмакон жойларнинг беқиёс гўзаллигини тасвирлаш мушкуллигини англаш мумкин. Ренессанс даврининг кўпчилик лирик шоирлари ўз шеърларида пасторал мавзуда ёзишдан узоқлашишга ҳаракат қилганлар. Баъзи шоирлар, масалан, Роберт Херрик ўзининг шеърларида кишлок ҳаётини ва базмларини реал мисоллар билан тасвирлаб, бу ҳаётни идеаллаштиради. Баъзи шоирлар учун эса, бу кишлок манзараларининг ўзгариб бораётганлиги, ерларнинг ўзлаштирилиши, яъни, ер эгаларининг четдан ишчиларни ёллаши туфайли қирларда чўпонларнинг камайиб бориши каби муаммоларни акс эттириш асосий мақсад бўлиб қолган эди. Ренессанс даврининг энг машҳур пасторал шоирлардан Жон Милтон ва Андрию Марвеллар ҳам ўз шеърларида пасторал элементлардан унумли фойдаланганлар. Масалан, Марвелнинг «Боғ» (*The Garden*) ва «Ўт ўрувчи Боғларга қарши» (*The Mower Against Gardens*) шеърларида идеал ҳаётни қўмсаш, индивидуал уйғунликка, жисмоний паноҳ излаб табиат қўйнига интилиш каби мавзуларни ифодалайди. Милтоннинг «Лусидас» (*Lycidas*), «Йўқотилган Жаннат» шеърлари ҳам пасторал шеърлар намуналаридир.

Инглиз адабиётида энг машҳур пастораллардан Кристофер Марлоунинг «Жўшқин чўпоннинг ўз

севгисига» номли мурожаати ҳисобланади. Шеър мисралари бўйлаб шоир табиатнинг гўзаллигини тасвирлаб, шу орқали маҳбубасини кўнглини овлашга ҳаракат қилади. Масалан,

*A belt of straw and ivy buds,  
With coral clasps and amber studs:  
And if these pleasures may thee move,  
Come live with me, and be my love.*

Бу мисраларда шоир печакгул ғунчаларини маржон шодасига қиёсласа, сомон толаларини эса қаҳрабога тенглаштиради. Бу гўзалликлар уни маъшуқасини ўзига мафтун эта олса, у билан бирга келиб шу жаннатмакон жойларда яшашга ундайди.

Пасторал эклог ёки монологлар таркибига элегиялар, яъни шоирнинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган шахс ёки дўстининг ўлимидан қайғуриб ёзган мунгли қўшиқларни ҳам киритиш мумкин. Бунда «чўпон», яъни, шоир бу оламдан кўз юмган дўстинининг ўли-

мидан қайғуриб, ўлимни ҳақоратлаб, унинг табиатга бўлган зарарини таъкидлаб ёзади. Табиат қайғуси бу ерда «жонлантирилади». Шеър якунида шоир ўлимдан қочиб бўлмаслигини тан олиб, бир кунмас бир кун абадий ҳаёт бўлишига умид қилишини айтади. Пасторал элегиялар яратишда қуйидаги элементлар, яъни, аза тутиш маросими, мавзуй чекиниш, гул символизми, реторик саволлар, накарот кабилардан фойдаланилган. Пасторал элегиялар яратиш ўн тўққизинчи асргача Рим ва Викториялик шоирлар томонидан давом этиб келинган. Машҳур пасторал элегиялардан Жон Милтоннинг Қирол Эдварднинг ўлимига бағишланган «Лусидас» шеъри, ва Томас Грейнинг «Қабристонга аталган мунгли қўшиқ» и ҳисобланади.

Пасторал шеърлар кейинчалик бошқа шоирлар томонидан рад этилган бўлса-да, бир асрдан кейин бу шеърият қайта Романтик шоирлар шеърларида ўз ифодасини топди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Introduction to English Pastoral Poetry: From the Beginnings to Marvell, edited by Frank Kermode, George Harrap and Company, 1952, pp. 11–44.
2. The Renaissance Perversion of Pastoral. Journal of the History of Ideas, Vol. 1; No. 2, April-June, 1961, pp. 254–61.
3. The Elizabethan Drama, The Seventeenth Century Pastoral. The Penguin book of English Pastorals Verse. John Barrell and John Bull.
4. The Cambridge History of English and American Literature in 18 Volumes (1907–21). Volume VI. The Drama to 1642, Part Two.
5. Dr. Debora B. Schwartz. English Department, California Polytechnic State University. Pastoral Poetry and Pastoral Comedy.